

ОГОҲЛАНТИРИШ

Мен, _____

_____ иш фаолиятим давомида коррупциявий ҳаракатлар содир этмаслик бўйича куйидагиларга мажбурлигим тўғрисида огоҳлантирилдим:

меҳнат шартномаси бўйича ўз хизмат вазифаларини бажараётганда, коррупциявий хатти-ҳаракатларда қатнашмаслик, шу жумладан ғайриқонуний имтиёзларни олиш ёки бошқача тарзда ғайриқонуний мақсадларда ўзининг ёки бошқа шахсларнинг ҳаракатлари ёки қарорларига таъсир қилиш учун пул маблағлари ёки бошқа қимматликлар кўринишида пора таклиф қилмаслик, ваъда бермаслик, пул тўламаслик, товламачилик қилмаслик, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермаслик ва пора олмаслик, бирон-бир шахс фойдасига ёки бирон бир шахс хизматларидан фойдаланмаслик, мол-мулк ёки мулкрий ҳуқуқларни олмаслик, шунингдек ўз ваколатларини суистеъмол қилмаслик;

атрофдаги шахслар томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликни содир этиш ёки унда қатнашишга тайёргарлик кўриш сифатида баҳоланиши мумкин бўлган хулқ-атвордан ўзини тийиш;

қонун ҳужжатлари ва “UzGasTrade” акциядорлик жамиятнинг ички ҳужжатларига мувофиқ манфаатлар тўқнашуви келиб чиқишини олдини олиш чораларини кўриши ва манфаатлар тўқнашуви ёки унинг келиб чиқиш эҳтимоли ҳақида ўзига маълум бўлиши билан дарҳол иш берувчини ёки унинг ўрнини босадиган шахсларни хабардор қилиш;

ходимлар орасида шахсий ёки бошқа шахсларнинг манфаатларини кўзлаб, хизмат мажбуриятларидан четга чиққан ҳолда бошқа ходимларнинг профессионал иш фаолиятига аралаштириш, маълумот сўраш ҳамда қарор қабул қилишга таъсир кўрсатиш ҳолатлари юзага келганда ёзма шаклда хабар қилиши лозим;

ходимлари томонидан содир этилган ва содир этилиши режалаштирилаётган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақидаги фактлар аниқланса, у ушбу маълумотни алоқа каналлари орқали “UzGasTrade” акциядорлик жамиятининг Комплеанс назорат бўлимига тақдим этиш;

“UzGasTrade” акциядорлик жамияти ички ҳужжатлари ва қонунчиликка биноан конфиденциал деб белгиланган маълумотларни ва ахборотларни ошкор қилмаслик, тарқатмаслик бўйича тартиб-қоидаларга қатъий амал қилиш.

Шу билан бирга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этган тақдиримда, менга нисбатан эгаллаб турган лавозимидан озод этишгача бўлган интизомий жазо чораси, шунингдек, тегишли тартибда маъмурий ва жиноий жавобгарлик чоралари қўлланилиши мумкинлиги тўғрисида огоҳлантирилдим.